

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАБАЕВ ЖАМШИД ШАРАФЕТДИНОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА
КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Тухтабаев Жамшид Шарафетдинович

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида корхоналарда меҳнат
самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини
такомиллаштириш..... 3

Тухтабаев Жамшид Шарафетдинович

Совершенствование организационно-экономического механизма
повышения эффективности труда на предприятиях в условиях перехода
к инновационной экономике 25

Tukhtabaev Jamshid Sharafetdinovich

Improvement of the organizational-economic mechanism of the increase of
efficiency of labour in the enterprises in a condition of transition to an
innovative economy 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАБАЕВ ЖАМШИД ШАРАФЕТДИНОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА
КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Iqt.231 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хомитов Комилжон Зоитович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абулқосимов Хасан Пирназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мамарасулов Фазлиддин Умарович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақами илмий кенгашнинг 2019 йил «__» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-йй. Тел.: (99871) 239-28-85; факс: (99871) 239-28-85; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-йй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__» ____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» ____ даги __- рақами реестр баённомаси).

Қ.Х. Абдураҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, академик, и.ф.д.

Н.Т. Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р. Холмўминов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рақобат мухитининг чуқурлашиб бораётган шароитда меҳнат самарадорлигини ошириш масаласи тобора долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро Conference Board тадқиқотлар ташкилотининг маълумотларига кўра, «ҳар йили жаҳонда ўртача меҳнат самарадорлигининг ошиши 3,5-4,0 фоизни ташкил этади. Сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг юқорилиги Германия, Ирландия, Норвегия, Хитой ва АҚШ каби мамлакатларда кузатилмоқда. Экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, саноат ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигининг ошишига ишлаб чиқаришда инновацион тараққиётни жадаллаштириш ва фаол инвестицион мухитни яратилиши сабаб бўлган»³.

Жаҳонда инновацион иқтисодиёт шароитида саноат ишлаб чиқаришида меҳнат самарадорлигини ошириш ва унинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаш-тириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир қўламини аниқлаш, самарадорликни оширишнинг захира манбаларини кенгайтириш ҳамда ташкилий-иктисодий механизмни такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инновацион тараққиётни жадаллаштириш, иқтисодий қудратимизни янада ошириш ва пировардида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгандир. «...иктисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш»⁴ муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу борада мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, инновацион технология ва замонавий ишлаб чиқарish қувватларини ишга тушириш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётнинг муҳим таркиби бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш борасидаги илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ҳамда бошқа меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

³ <http://www.conference-board.org/data/chiefeconomist.cfm> (Conference Board халқаро иқтисодий таҳлил қилиш тадқиқотлар ташкилоти маълумоти)

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқаришда ижтимоий меҳнат муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатлари, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат самарадорлиги ва мотивацияси муаммолари С.Л.Брю, П.Самуэлсон, Г.Форд ҳамда Г.Эмерсон⁵ сингари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган.

МДХ давлатлари олимлари В.В.Адамчук, А.А.Артёменко, С.Бабынин, А.В.Барышева, В.И.Брылев, С.А.Валуйскин, О.Е.Германова, Б.Г.Збышко, В.В.Ишин, А.Я.Кибанов, М.А.Климова, Л.А.Костин, В.В.Новожилов, Ю.Г.Одегов, М.Ю.Питкевич, А.И.Рофе, С.Ю.Рошин, Г.Г.Руденко, О.В.Стаканова, С.Г.Струмилин, Л.В.Шамрай, Р.А.Эльмураева⁶ ва бошқалар томонидан меҳнат самарадорлигининг назарий ва методологик асослари, ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигини баҳолаш, меҳнат самарадорлигини ошириш омил ва захиралари каби масалалар кўриб чиқилган.

Ўз навбатида мамлакатимиз олимларнинг ишлари ҳам бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Жумладан, академик К.Х.Абдураҳмонов (меҳнат самарадорлиги ва унинг омиллари)⁷, Г.Қ.Абдураҳмона (кичик бизнесда муносиб меҳнат тамойиллари)⁸, Ш.Н.Зайнутдинов (саноат корхоналарида меҳнатни ташкил этиш)⁹,

⁵ Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. т. 2. – М.: Прогресс, 1992., Самуэлсон П. Экономика. – М.: Алгон, 1992., Форд Г. Моя жизнь, мои достижения. - Беларусь, Мин.: Издательство «Попурри», 2015., Эмерсон Г. Двенадцать принципов эффективности. – М.: Экономика, 1992.

⁶ Адамчук В.В. Экономика труда: учебник. - М.: Финстатинформ, 1999., Артёменко А.А. Трансформация факторов эффективности труда на российских промышленных предприятиях (на примере предприятий электроэнергетики Саратовской области): дис.канд.экон.наук. – Саратов, 2001., Барышева А.В. Производительность труда в развитых капиталистических странах. - М.: Наука, 1999. – с. 167., Брылев В.И. Резервы роста эффективности труда в новых экономических условиях: дис.док.экон.наук. – М, 2007., Валуйскин С.А. Методические основы проектирования систем оценки эффективности труда управляемого персонала на промышленных предприятиях (на примере работников финансово-экономических служб предприятий легкой промышленности): дис.канд. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2004., Германова О.Е. Производительность: экономическое содержание и проблемы измерения. - М.: Наука, 1996. – с. 188., Кибанов А.Я. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2009., Климова М.А. Комплексная оценка трудового процесса рабочего (на примере полиграфической промышленности): дис.канд. экон. наук. - М., 2000., Костин Л.А. Производительность труда технический прогресс. - М.: Экономика, 1994., Новожилов В.В. Проблемы измерения затрат и результатов при оптимально планирования. – М.: Наука, 1972., Питкевич М.Ю. Производительность, экономическая эффективность и оплата труда в российской экономике и ее отраслях: дис.канд. экон. наук. – М., 2004., Руденко Г.Г. Экономика труда. Учебник. – М.: Волтерс Клювер, 2011., Стаканова О.В. Социальные факторы эффективности труда рабочих (на примере отраслей машиностроения): дис.канд. экон. наук. - М., 2006., Струмилин С.Г. Общественная производительность труда и методы ее измерения. - М., 1967., Шамрай Л.В. Совершенствование управления производительностью труда на предприятии: дисс.кан.экон.наук. – Волгоград, 2009., Эльмураева Р.А. Личностный фактор эффективности труда: дисс.кан. экон. наук. – Томск, 2002.

⁷ Абдураҳмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган З-нашри. - Т.: Фан, 2019. – 426 б.

⁸ Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш: иқт.фан.док.дисс. – Т. 2016.

⁹ Зайнутдинов Ш.Н. Совершенствование организации труда в условиях ускорения научно-технического проресса (на материалах промышленности Узбекской ССР): дисс.д-р.экон.наук. – Т. 1988.

К.С.Исмайлов (агросаноат мажмуасида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш)¹⁰, Ф.У.Мамарасулов, З.Я.Худойбердиев (саноат корхоналарида ишчилар малакасини ошириш ва фойдаланиш)¹¹, М.Л.Турсунхўжаев (саноат корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш)¹² илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга бевосита маҳсус саноат ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми масалаларига бағишлиланган илмий ишлар ва ишланмалар, илмий ва монографик тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Бу ҳам диссертация тадқиқотининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотниң диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Мазкур диссертация мавзуси Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ тегишли равишда «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» ва «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва либераллаштириш шароитида ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг илмий асослари» мавзуларида илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотниң мақсади инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотниң вазифалари қўйидагилардан иборат:

инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида корхоналарда меҳнат самарадор-лигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини таҳлил этиш;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини асосий мезон ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

Қашқадарё вилоятининг йирик саноат корхоналарининг ривожланишига меҳнат самарадорлигини оширишнинг таъсирини таҳлил қилиш;

йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

¹⁰ Исмайлов К.С. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги (Қорақолпогистон Республика қишлоқ хўжалиги мисолида): иқт.фан.номз.дисс. - Т. 2000.

¹¹ Мамарасулов Ф.У. Формирование системы подготовки и использования специалистов в условиях рыночной экономики (на материалах Республики Узбекистан): дисс.канд.экон.наук. – Т. 1994., Худойбердиев З.Я. Подготовка рабочих на производстве в условиях рыночной системы хозяйствования (на примере г. Ташкента): дис.канд. экон. наук. – Т. 1995.

¹² Турсунхўжаев М.Л. Проблемы совершенствования организации оплаты труда работников промышленности (на примере легкой промышленности Узбекистана): дисс.д-р.экон.наук. – Т. 1975.

йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий иқтисодий омилларни эконометрик баҳолаш;

йирик саноат корхоналарида инновацион менежментни жорий этиш ва инновацион саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш негизида меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятида жойлашган йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ҳолати олинди.

Тадқиқотнинг предметини инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида тадқиқот объектига мувофиқ ҳолда йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадор-лигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришда юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, индукция-дедукция, комплекс баҳолаш, гурӯхлаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, математик-статистика, социологик баҳолаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир қўлами аниқланган ҳолда меҳнат самарадорлигини оширишнинг истиқбол модели экспоненциал ва даражали функция асосида такомиллаштирилган;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш ташкилий-иктисодий механизмининг мезонлари – «ижтимоий-иктисодий» ва «иктисодий ишлаб чиқариш» асосида ва баҳолаш қўрсаткичлари – «мақсадга йўналтирилганлик» ва «ресурс-сарф» негизида такомиллаштирилган;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишда «инновацион технологияларни қўллаш», «меҳнатни самарали ташкил қилиш» ва «меҳнат салоҳиятини кўтариш»нинг захира манбалари аниқланган ва улардан самарали фойдаланиш механизми ташкилий-иктисодий тамойиллар асосида такомиллаштирилган;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг стратегик инновацион йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

муносиб меҳнат тамойиллари ва миллий иқтисодиёт тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда «меҳнат самарадорлиги» тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмининг элементлар ҳаракат таркиби такомиллаштирилган;

йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқаришни самарали шаклларини жорий қилиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, мамлакатда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотлари асослангани, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва ишлаб чиқариш корхоналарининг статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида жорий қилиши, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, мамлакатда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотлари асослангани, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва ишлаб чиқариш корхоналарининг статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг жорий қилиши, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, мамлакатда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотлари асослангани, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва ишлаб чиқариш корхоналарининг статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

меҳнат самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир кўлами аниқланган ҳолда меҳнат самарадорлигини оширишнинг истиқбол модели бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Шўртаннефтгаз» МЧЖ, «Ўзметкомбинат» АЖнинг «Қарши иккиласми қора металл» МЧЖ ва «Дехқонобод калий заводи» МЧЖ фаолиятида қўлланилган («Шўртаннефтгаз» МЧЖнинг 2018 йил 11 сентябрдаги 02/173-сон, «Ўзметкомбинат» АЖнинг 2019 йил 29 январдаги 01/01-13-06-39-сон ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 4 февралдаги 03-557/А-сон маълумотномалари). Мазкур илмий ишланманинг жорий этилиши натижасида «Қарши иккиласми қора металл» МЧЖда меҳнат унумдорлиги даражаси жами 0,5 %, «Дехқонобод калий заводи» МЧЖда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 0,8 % ва «Шўртаннефтгаз» МЧЖда моддий ашёни тежаб қолиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни қўшимча 0,01 фоизга ошириш имконини берган;

меҳнат самарадорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий механизми мезонлари, баҳолаш кўрсаткичлари ва меҳнатни ташкил этишнинг инновацион йўналишлари бўйича таклифлар «Шўртаннефтгаз» МЧЖ ва «Дехқонобод калий заводи» МЧЖ амалиётида фойдаланилган («Шўртаннефтгаз» МЧЖнинг

2018 йил 11 сентябрдаги 02/173-сон ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 4 февралдаги 03-557/А-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида корхоналарда меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш, меҳнат натижасини баҳолашда ишлаб чиқаришдаги сарфлар ва уларнинг ўрнини аниқлаш ҳамда мавжуд ресурсларда ноқилона фойдаланган ҳолда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш имкони яратилган;

саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш захира манбалари ва улардан самарали фойдаланиш механизми бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Шўртanneфтгаз» МЧЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ тизимининг «Қарши иккиламчи қора металл» МЧЖ ва «Дехқонобод калий заводи» МЧЖ, «Alloy steel business» МЧЖ, «Қарши таъмирлаш заводи» МЧЖ фаолиятида қўлланилган («Шўртanneфтгаз» МЧЖнинг 2018 йил 11 сентябрдаги 02/173-сон, «Ўзметкомбинат» АЖнинг 2019 йил 29 январдаги 01/01-13-06-39-сон ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 4 февралдаги 03-557/А-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Қарши иккиламчи қора металл» МЧЖда кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жами 0,15 %, «Қарши таъмирлаш заводи» МЧЖ, «Alloy steel business» МЧЖ, «Шўртanneфтгаз» МЧЖ ва «Дехқонобод калий заводи» МЧЖда ижтимоий-иктисодий самарага эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан 1 та монография, ОАК эътироф этган журнallарда 9 та, нуфузли хорижий журналда 1 та илмий мақола, шунингдек 2 та республика журналида ва 8 та хорижий журналларда илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 16 та маъруза тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини


оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти ва илмий-назарий аҳамияти асосланган, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмининг асосий мезон ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, меҳнат самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар таклиф этилган, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда «меҳнат самарадорлиги» тушунчасини ўрганишга бўлган хорижий ва маҳаллий иктиносидчи олимларнинг назарий ёндашувлари таҳлил қилиниб ва умумлаштирилиб инновацион иктиносидиётга ўтиш шароитида муносиб меҳнат тамойиллари ва миллий иктиносидиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда «меҳнат самарадорлиги» атамасига муаллифлик таърифини таклиф этамиз. Унга кўра: «Меҳнат самарадорлиги – ижтимоий-иктисодий категория бўлиб, муносиб меҳнат тамойиллари асосида ишлаб чиқариш (ноишлаб чиқариш) жараёнида меҳнат сарфини камайтириб меҳнат сифатини ошириш эвазига юқори меҳнат натижадорлигига эришишдир». Меҳнат самарадорлиги тушунчасининг ўзига хос хусусияти: жонли меҳнатдан фойдаланиш даражасини, меҳнат унумдорлигини, меҳнат тақсимоти жараёнини, технологик даражани, муносиб меҳнат шароитини, шунингдек, ижтимоий зарурый меҳнат сарфини ифода этади.

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ошиши асосини ижтимоий-иктисодий ва иктиносидий ишлаб чиқариш мезонлари ташкил этади (1-расм). Механизм мезонининг мақсади саноат корхоналарида муносиб меҳнат муносабатларини яратиш ва жонли меҳнатдан минимал даража фойдаланиб юқори меҳнат натижасига эришишни кўзлайди. Мезонга ижтимоий-иктисодий нуқтаи назардан ёндашилса, инсон меҳнат қилиши учун яратилган муносиб меҳнат шароити ҳар қандай меҳнат тури учун самарали ҳисобланади. Ташкилий-иктисодий нуқтаи назардан эса, ижобий натижага эришиш учун ишлаб чиқариш жараёнига ҳар қандай меҳнат турига замонавий бошқарув ва инновацион технологияларни жалб этган ҳолда меҳнатни минимал даражагача қисқартириш мумкинлиги, бу эса меҳнат самарадорлигини ошириш механизми мезонининг мақсадини белгилаб беради.

Бундан келиб чиқадиган бўлсак, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизми мезонларини бир-бирини тўлдирувчи икки мезон, яъни ижтимоий-иктисодий меҳнат самарадорлиги ва иктиносидий ишлаб чиқариш меҳнат самарадорлигига ажратиш мумкин. 1-расмда ифода этилган ижтимоий-иктисодий меҳнат самарадорлиги ва иктиносидий ишлаб чиқариш меҳнат самарадорлиги мезонининг натижа кўрсаткичи ҳар бир мезон мақсади ва индикатор билан ўзаро боғлиқлигини акс эттиради.

Ташкилий ва иктиносидий индикаторлар ижтимоий-меҳнат муносабатларида инсон меҳнат имкониятларини кенгайтиришни, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хавфсиз ва қулай замонавий технологиялар қўлланиладиган муносиб меҳнат шароитига ҳамда меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлашга хизмат қиласи.



1-расм. Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишининг ташкилий-иқтисодий механизмини асосий мезон ва кўрсаткичлари¹³

* - меҳнат сифатида ифодаланувчи сифат кўрсаткичлар; ** - меҳнатнинг якуний натижасида ифодаланувчи микдор кўрсаткичлар.

¹³ Расм муаллиф тадқикотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ташкилий-иктисодий баҳолашда ҳам ижтимоий-иктисодий, ҳам иктиносий-ташкилий томонларини баҳолаш имконини берувчи «мақсадга йўналтирилганлик» ва «ресурс-сарф» ёндашувлари таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ташкилий-иктисодий баҳолаш тизими¹⁴

Мақсадга йўналтирилганлик» ёндашуви бўйича меҳнат самарадорлигини баҳолаш ресурслардан яхшироқ фойдаланган ҳолда олдиндан кўзланган мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш ва меҳнатни самарали ташкил этишдан иборатdir. «Ресурс-сарф» ёндашуви доирасида меҳнат самарадорлигини баҳолаш ҳар бир турдаги ресурснинг улушкини унинг маҳсулот таннархига таъсири билан ўлчашни ёки барча қилинган сарфларни умумий ҳолга келтириб

¹⁴ Расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.


ресурсларнинг минимал сарфи асосида максимал натижаларга эришишни баҳолайди. Бунинг учун ушбу ёндашувлар бўйича меҳнат самарадорлигини баҳолашда зарур хусусий ва умумий кўрсаткичлар тизими амал қиласи. Ушбу кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда Қашқадарё вилоятининг йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ташкилий-иктисодий жиҳатдан баҳоланди. Шу нуқтаи назардан, инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигининг реал ташкилий-иктисодий ҳолатига тўғри ва аниқ баҳо беришда ташкилий-иктисодий баҳолаш ёндашувларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг иккинчи боби – «**Қашқадарё вилояти йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги таҳлили**» деб номланиб, унда Қашқадарё вилояти йирик саноат корхоналари ривожланишига меҳнат самарадорлигини оширишнинг таъсири, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган, муаллиф томонидан меҳнат самарадорлигини оширишнинг асосий иқтисодий омилларига эконометрик баҳо берилган.

Қашқадарё вилояти йирик саноат корхоналарининг ривожланишига меҳнат самарадорлигини ошишининг таъсири, аввало, тайёр маҳсулот, ишлаб чиқарувчи ходимлар ва улар фойдаланадиган ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасидаги жуда оддий боғлиқлик мавжудлиги орқали ифодаланади. Ушбу боғлиқлик якуний меҳнат натижаси ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Тадқиқотда ёқилғи, металлургия, кимё ва нефть-кимё ҳамда озиқ-овқат саноат тармоғидаги йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ошиши танланган саноат корхоналари ривожланишига таъсири таҳлил қилинди. Саноат корхоналари ривожланишида меҳнат натижаларининг баъзи ҳолларда юкори, баъзida эса паст бўлиши, унга таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ. Фойдаланиш даражаси ва муносабат турига кўра таъсир кўрсатувчи омиллар таъсир кўлами бўйича гурӯҳларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинди.

Қашқадарё вилояти йирик саноат корхоналарининг саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва меҳнат натижасини оширишдаги давлатнинг мақсадли чоралари, корхоналарнинг ўз фаолиятларида модернизация, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириб бориш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни замонавий бошқарув усуллари асосида ташкил этиш, меҳнат натижасини баҳолаш йўлларини аниқлашда танланган «Шўртнанефтгаз» масъулияти чекланган жамияти, «Дехқонобод калий заводи» масъулияти чекланган жамияти, «Қарши иккиламчи қора металл» масъулияти чекланган жамияти корхоналардаги ташкилий-иктисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Тадқиқотда йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг кенг миқёсли таъсир кўламини инобатга олиб «кўп омилли модели» ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Мехнат самарадорлигини қўп омилли ташил қилиш модели¹⁵

Йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг асосий иқтисодий омилларини эконометрик баҳолашда ташил қилинган саноат корхонаси¹⁶ хўжалик фаолиятининг иқтисодий натижаларидан фойдаланган ҳолда меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг моҳияти ва мансуб саноат тармоғининг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб корхонада меҳнат натижаси ҳисобланган якуний ишлаб чиқарилган маҳсулот (умумий меҳнат самарадорлиги) ҳажми (млн.сўм) - $Y(t)$ танлаб олинди. Натижавий белгига таъсир кўрсатувчи боғлик ўзгарувчилар, яъни корхонада муҳим бўлган «муносиб меҳнат мезонларини»¹⁷ ифода этувчи: қулай ишлаб чиқариш ва ижтимоий-меҳнат шароитларини яратиш, турмуш сифатини ошириш имконини берадиган иш ҳақи, шахснинг ривожланиши ва меҳнат салоҳиятини намоён қилиш имконини берадиган омиллар ҳамда бошқа омиллар танлаб олинди: X_1 – ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони; X_2 – таркибий силжишлар натижасида товар ишлаб чиқариш (бир ишчи ҳисобига); X_3 – ишчиларнинг унумсиз вақт сарфи; X_4 – ахборот таъминоти учун сарфлар; X_5 – иш кунининг ўртача давом этиши; X_6 – битта ишчи ишлаган кунлар сони; X_7 – битта ишчининг меҳнат сарфи; X_8 – меҳнатни рағбатлантириш учун сарфлар; X_9 – ходимлар малакаси ва касб маҳоратини ошириш учун сарфлар; X_{10} – меҳнат шароитини яхшилаш ва иш жойини ташкил этишга сарфлар; X_{11} – технологик

¹⁵ Расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

¹⁶ «Қарши иккимачи қора металл» масъулияти чекланган жамиятининг 2001-2017 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида амалга оширилди.

¹⁷ Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш: икт.фан.док.дисс. автореферати. - Т., 2016. - 15 б.

қуролланиш учун сарфлар; X_{12} – технологик модернизация қилиш ҳисобига эришилган натижа.

Мехнат самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий иқтисодий омилларни эконометрик баҳолашда иқтисодий-математик усуллар воситасида мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг боғлиқлик қучини тадқиқ этиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш ва тажриба орқали кузатиш имконини беради. Ҳозирги пайтда, ушбу усулларни кўллаш жараёнини тезлаштирадиган ва баҳолашнинг аҳамиятли моделини танлаб олишда SPSS дастури ёрдамидан кенг фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Таъсир этувчи омилларнинг натижавий омилга таъсирини жуфт корреляция коэффициентларини ҳисоблаш йўли билан аниқланди (1-жадвал). Бу усул бизга, бир-бирини такрорлайдиган ва натижавий омил билан кучсизроқ боғланнишда бўлган омилларни тузилаётган эконометрик моделга киритмаслик имконини берди.

1-жадвал

Таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро жуфт корреляцион коэффициентлар матрицаси¹⁸

	$Y(t)$	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5	X_6	X_7	X_8	X_9	X_{10}	X_{11}	X_{12}
$Y(t)$	1												
X_1	0,86	1											
X_2	0,98	0,89	1										
X_3	-0,80	-0,77	-0,83	1									
X_4	0,94	0,90	0,96	-0,87	1								
X_5	0,80	0,77	0,83	-1,00	0,87	1							
X_6	-0,19	-0,11	-0,15	0,23	-0,18	-0,23	1						
X_7	0,27	0,33	0,33	-0,35	0,32	0,35	0,83	1					
X_8	0,94	0,89	0,94	-0,87	0,98	0,87	-0,22	0,28	1				
X_9	0,89	0,75	0,87	-0,77	0,94	0,77	-0,30	0,15	0,93	1			
X_{10}	0,95	0,82	0,98	-0,80	0,93	0,80	-0,07	0,39	0,89	0,86	1		
X_{11}	0,83	0,73	0,82	-0,72	0,90	0,72	0,03	0,44	0,85	0,89	0,83	1	
X_{12}	0,92	0,82	0,90	-0,74	0,87	0,74	0,14	0,56	0,87	0,78	0,90	0,78	1

1-жадвалдан кўринадики, критик қийматдан r_{kr} катта бўлган ўзаро кучли боғланган омилларнинг мавжудлигидан гувоҳ бўламиз. Шу сабабли, биз x_4 , x_{10} омилларни ҳамда x_3 , x_5 омиллар боғланниши тўлиқ функционал бўлгани учун x_5 омилни, $Y(t)$ га кучсиз боғланган $|r_{Yx_5}| \geq 0,5$ шартдан x_6 , x_7 омилларни регрессия тенгламасидан чиқаришни лозим топдик.

Корреляция-регрессия таҳлил усули ёрдамида танланган саноат корхонасида меҳнат самарадорлигини таҳлил қилишнинг энг муҳим босқичи натижавий кўрсаткичнинг танлаб олинган омилларга боғлиқлигини тавсифловчи эконометрик ифодани танлашдан иборатdir.

Танланган саноат корхонасида меҳнат самарадорлиги ўзгаришига таъсир кўрсатувчи асосий иқтисодий омилларни таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқилган

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида хисобланган.

моделда (2-жадвал) F - Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳакиқий}} = 47,89$, шунингдек эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1 = 6$ ва маҳраж бўйича $\gamma_2 = 11$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлилик даражаси $p = 0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}} = 3,09$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламаси статистик аҳамиятли ҳисобланади.

2-жадвал

Мехнат самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг регрессион таҳлил натижаси¹⁹

Кўп омилли корреляция коэффициенти R	Кўп омилли детерминация коэффициенти R-квадрат	Корректлаш- тирилган R-квадрат	Баҳолаш- нинг стандарт хатоси	F- ҳақиқий	P- қиймат	DW
0,985	0,97	0,949	510,335	47,89	$1,2 \cdot 10^{-6}$	1,648

Таҳлил натижалари коэффицентини баҳолаш орқали ишлаб чиқилган чизиқли регрессия модели қуидаги кўринишга эга:

$$Y = 1557,664 - 28,604 \times X_1 + 96,054 \times X_2 + 25,902 \times X_3 + 130,780 \times X_9 - 1,153 \times X_{11} + 0,809 \times X_{12}$$

$$R^2 = 0,97; F_{\text{ҳакиқий}} = 47,89; DW = 1,648$$

Мехнат самарадорлигини кўп омилли таҳлил қилиш модели ёрдамида меҳнат самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир кулами танлаб олинган омил белгилар ва натижавий белги орасидаги боғланишни ўзаро боғлиқликда корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари асосида ҳисобланганда, меҳнат самарадорлигига энг катта таъсир этувчи омиллар сифатида ташкилий ва технологик омил гурухлари тўғри келиши аниқланди.

Юқорида фойдаланилган эконометрик таҳлил усуллари ёрдамида меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг истиқбол моделини тузишда (экспоненциал ва даражали функциядан фойдаланилган) танланган саноат корхонасининг 2001-2018 йиллардаги статистик маълумотлардан кенг фойдаланиб, меҳнат самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг истиқбол модели ҳосил қилинди (3-жадвал).

3-жадвал

Мехнат самарадорлигига таъсир этувчи асосий иқтисодий омиллар бўйича истиқбол модел²⁰


№	Модел кўриниши	F – Фишер мезонининг ҳисобланган қиймати
1.	$X_1 = 51,186 e^{0,015t}$	28,148
2.	$X_2 = 1,211 + 4,34t - 0,439t^2 + 0,026t^3$	302,267
3.	$X_3 = 12,948 + 2,793t - 0,325t^2 + 0,08t^3$	20,329
4.	$X_9 = 0,211 e^{0,28t}$	81,374
5.	$X_{11} = 17,334 e^{0,205t}$	53,014
6.	$X_{12} = 1000,096 - 134,126t + 24,369t^2 - 0,651t^3$	22,009

¹⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

²⁰ Муаллифнинг ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган.

Олиб борилган регрессион таҳлилларимиз ёрдамида аниқланган натижалардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинаётган саноат корхонасида меҳнат натижасининг келгуси давр истиқболларини ишлаб чиқиши имконини берди. Бунга мувофиқ, корхонада таҳлил қилинган ҳар бир омилнинг 2019-2021 йиллардаги прогноз параметрлари ва уларни умумлаштирган ҳолда якуний натижага таъсир кўрсатиши ҳисоблаб чиқарилди.

Таҳлиллар натижасида: ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлган ишчилар сонининг ўзгармас ҳолатида, унумсиз вақт сарфи 1,8 мартаға қисқариши, ходимлар малакасини ошириш 3,1 мартаға ва технологик қуролланиш 2,3 мартаға, таркибий ислоҳотлар натижасида товар ишлаб чиқариш 2,1 мартаға ошиши умумий меҳнат самарадорлигини 2019 йилда 16490,2 млн.сўмга ёки 2017 йилга нисбатан 140,9 фоизга ошиши кузатилмоқда. Келгуси даврларда, 2020 йилда бу кўрсаткич 19714,6 млн.сўмга ва 2021 йилда 23677,5 млн.сўмни ташкил этилишига эришилади (4-расм).



4-расм. Таҳлил қилинаётган йирик саноат корхонасининг 2001-2018 йил фаолият кўрсаткичи ва 2019-2021 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари, (млн.сўм)

Албатта, бундай иқтисодий самарадорликка эришишда аввало, таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олган ҳолда меҳнатни тўғри ташкил этиш ва бошқариш, корхонада инновацион ривожланиш тамойилларини муттасил жорий этиш, аниқланган захира манбаларини ишлаб чиқариш жараёнига самарали сафарбар этиб бориш муҳим ҳисобланди.

Диссертациянинг «Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган учинчи бобида йирик саноат корхоналарида инновацион менежментни жорий этиш ва инновацион саноат ишлаб чиқариши ташкил этиш асосида меҳнат самарадорлигини ошириш, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўллари таклиф этилган.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш объектив асосланган жараён бўлиб, ўз-ўзидан амалга ошмайди, балки доимий назорат ва бошқаришни талаб этади. Меҳнат самарадорлигини оширишда инновацион менежментни жорий этиш ўзида жонли меҳнатдан минимал даражада фойдаланиб юқори меҳнат натижадорлигига эришишни, ижобий ишлаб чиқариш ва моддий-маданий шарт-шароитларни яратишни кўзлайди. Меҳнат самарадорлигини ошириш олдига қўйилган мақсадларга эришишда эришиш воситалари тизими бевосита инновацион менежмент тамойиллари ва жамият ривожининг маълум босқичида хўжалик механизмининг ташкилий-иктисодий чораларига боғлиқ бўлади. Иқтисодий чоралар бошқарувнинг барча дарражаларида меҳнат самарадорлигини оширишни таъминловчи мураккаб иқтисодий тизим ҳисобланиб, мотивация, адолатлилик, ўзлуксизлик, рентабеллик каби тамойилларни ўз ичига олади. Масалан, мотивация – персонал меҳнат натижасини оширишни, узлуксизлик - ишлаб чиқариш қувватларининг дарражаси, мавжуд асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати ва таъминланганлик дарражаси, технологик янгиланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни назарда тутади. Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий чоралари эса режалаштириш ва илмийлик тамойилини ўз ичига олиб, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва самарали бошқаришни кўзда тутади. Бу тамойиллар меҳнат самарадорлигини ошириш захира манбаларидан фойдаланишнинг ташкилий-иктисодий механизми тамойилларини ифода этиб, ўзаро боғлиқликда меҳнат самарадорлигини самарали ошириш имкониятини кенгайтиради. Тадқиқотимизда аниқланган ҳар бир омил захиралардан фойдаланишнинг ташкилий-иктисодий мақсади, тамойили, воситалари ва самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Меҳнат самарадорлигини инновацион менежмент асосида самарали оширишда персонал меҳнат натижаси ва фаолият меҳнатини баҳолаш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Персонал меҳнати самарадорлигини баҳолаш саноат корхонасининг инсон ресурсларига нисбатан бажариладиган ташкилий назоратнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади ва қўйидаги мақсадни кўзлайди: персонал меҳнати натижадорлигини яхшилаш (мавжуд меҳнат салоҳиятини қўллаш ва тўлиқ фойдаланиш); иш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда раҳбар ва ишчиларни зарурый ахборот билан таъминлаш. Ишчилар меҳнатини баҳолашда хусусий кўрсаткич ҳисобланган персонал меҳнати фаолиятидаги мажбурият дарражасидан фойдаланилди. Персонал мажбурият дарражасини аниқлаш орқали, ишчилар меҳнатини баҳолаш асосида олинган натижалардан тўғри фойдаланиш имкони пайдо бўлади ва шу асосида персоналнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича мажбурият дарражаси билан ишчилар меҳнатини баҳолаш натижаси ўзаро мос равишдалигини ифодалаш мумкин бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир ходимнинг эгаллаб турган лавозимида бажарадиган меҳнат функцияси бўйича мажбурият ва масъулият дарражаларини билиш мақсадида танланган саноат корхонасида

сўровнома ўтказилди²¹ ва бу корхона персоналининг мажбурият таснифини ифодалаш имконини берди (4-жадвал).

4-жадвал

«Шўртаннефтгаз» масъулияти чекланган жамияти маъмурият персоналининг мажбурият таснифи²²

№	Кўрсаткичлар номи	Персонал бошқарув ходим (раҳбар)лари лавозими							X_{м.м.}	M_{ф.б.}	M_{x.}
		Директор	Бош мухандис	Молиявий ишлар бўйича ўринбосар	Кадрлар бўлимни бошлиги	Мехнатни Мухофаза килиш хизмати бошлиги	Мехнатни ташкиллаштириш бошлиги				
1.	Ходимларнинг меҳнат фаолиятидаги асосий функциялари										
1.1.	Режалаштириш	X _{м.м.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	M _{ф.б.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	5	1	0	
1.2.	Меҳнатни ташкил қилиш	X _{м.м.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	M _{ф.б.}	X _{м.м.}	5	1	0	
1.3.	Назорат қилиш	X _{м.м.}	M _{ф.б.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	4	2	0	
1.4.	Мотивация	M _{ф.б.}	M _{ф.б.}	X _{м.м.}	X _{м.м.}	M _{ф.б.}	X _{м.м.}	3	3	0	
1.5.	Ўзаро мувофиқлаштириш	X _{м.м.}	X _{м.м.}	M _{ф.б.}	M _{ф.б.}	M _{ф.б.}	X _{м.м.}	3	3	0	
2.	Персоналнинг мажбурият даражаси										
2.1.	Юкори малакали ходим	4	3	4	3	2	5	21			
2.2.	Ўртача малакали ходим	1	2	1	2	3	0		9		
2.3.	Малакасиз ходим	0	0	0	0	0	0			0	

бунда: X_{м.м.} – мажбурият, масъулият ва малакага эга бўлган ходим;

M_{ф.б.} – меҳнат фаолияти давомида бажариши мумкин бўлган меҳнат функцияси (доимий ҳолда эмас);

M_{x.} – мутлақо бу меҳнат функциясини бажармаган ёки хабардор эмас.

